

ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРИШИ КУРАШ – ДОЛЗАРБ**МУАММОЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА****Турабов Вахид Турабович**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуқни муҳофаза қилиш академияси

марказ прокурори

vohid2608@mail.ru**АННОТАЦИЯ**

Мақолада оилавий зўравонлик муаммолари ва унга қарши кураш масалалари кўрилади. Муаллиф томонидан оилавий (маиший) зўравонлик ҳозирги кунда ҳам долзарблигича қолаётгани, ҳуқуқий омилларни ривожлантириши орқали унга қарши кураш самарадорлигини ошириб бориши лозимлиги ҳақида фикр юритади. Зўравонликка қарши кураш учун маълум кўникма ва билимларга эга бўлиши, шу жумладан зўравонликнинг келиб чиқиши механизмларини, далилларни тўплаш усулларини ва интервью усулларини мукаммал билиш кераклиги, ҳуқуқтарни идораларининг бу борадаги ҳамакорлигини ривожлантириши лозимлиги, аҳоли билан ишлайдиган мутахассислар оиласидаги зўравонлик жабрланувчилари билан ишлашга тайёр бўлишлари ва уларга самарали ёрдам кўрсатишлари кераклигини, шунингдек, зўравонликка қарши курашининг муҳим таркибий қисми аҳоли билан ахборот алмасини ва профилактик ишлари эканлигини таъкидолайди.

Калит сўзлар: Оилавий зўравонлик, майший зўравонлик, зўравонликка қарши кураш, зўравонликка қарши жиноий, маъмурий ва бошқа чоралар.

Ҳозирги кунда дунё диққат ва ечимни талаб қиласидиган бир қатор ижтимоий муаммоларга дуч келмоқда. Бундай муаммолардан бири оилавий (маиший) жиноятлар бўлиб, у нафақат жабрланувчиларга, балки бутун жамиятга жиддий зарар етказади.

Оилавий (маиший) зўравонлик мавзуси биргина бизнинг давлатимизда эмас, балки кўплаб дунё мамлакатлари учун муҳим масала ҳисобланади. Баъзи худудларда оилавий зўравонлик одатий тусга айланган. Оилавий зўравонликнинг асосий сабаблари сифатида ишсизлик, ичкилиқбозлик, молиявий етишмовчилик, уларнинг орқасидан келиб чиқувчи руҳий тарангликни кўрсатиш мумкин.

Зўравонлик асосан жисмоний, жинсий, руҳий зўрлик кўринишида, асосан аёллар ва вояга етмаганларга нисбатан содир этилиши кузатилади.¹

Ўзбекистонда оилавий майшний жиноятлар профилактикаси ва унга қарши курашга давлат сиёсати даражасида эътибор қилинмоқда. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ўз маърузаларида “...биз ўз фаолиятимизнинг илк кунларидан бошлаб муnis ва мўътабар аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш масаласини давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгиладик. Барча ислоҳотларимизнинг мазмуни, “Инсон қадри учун” тамойилининг моҳияти ҳам айнан шунга қаратилган. Агар биз халқимиз биздан рози бўлишини хоҳласак, аввало, мўътабар оналаримиз, опа-сингилларимиз, қизларимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиб беришимиз керак. Биз мана шу ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиқсан ҳолда, бу масалада бир қатор муҳим қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилдик”, деган эди.²

Бу жумлаларнинг исботи ва мантиқий давоми ўлароқ, 2018 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-майшний зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2019 йилдаги «Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, 2023 йилдаги “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунларнинг қабул қилиниши давлат томонидан оилавий майшний жиноятчиликка қарши кураш, оилавий зўравонликнинг олдини олиш борасидаги изчил ва қатъий сиёсатини кўрсатиб беради.

Оилавий (майшний) зўравонлик биринчи марта 19 асрнинг охирида ижтимоий муаммо сифатида танилди. Бироқ, 20 асрнинг ўрталаригача бу йўналишда жиддий тадқиқотлар ўтказилмаган. 60-йилларда эса болалар қаровсизлиги ва уларга нисбатан жисмоний зўравонлик масалалари билан шугулланган Генри Кемпе, 1962 йилда "калтакланган бола синдроми" терминини илмий муомалага киритган.³

¹ Петросян К.А., Ефимов А.А., Алексеев Ю.Д., Савенкова Е.Н., Буров В.В., Кулаева Л.В. Насилие в семье: судебно-медицинские аспекты // Альманах современной науки и образования. 2013. № 1 (68). С. 108-111.

² <https://review.uz/oz/post/shavkat-mirziyoyev-raisligida-xotin-qizlarni-qollab-quvvatlashga-bagishlangan-yigilishda-ayollar-uchun-qanday-engilliklar-kiritildi>

³ Волосова Н.Ю. Семейное (домашнее) насилие как проблема междисциплинарного характера // Вопросы российского и международного права. 2017. Том 7. № 3А. С. 310-319

Ўзбекистонда асосан 21 асрга келиб, оиласий зўравонлик муаммолари га алоҳида эътибор берила бошланди. Бироқ, кўрилаётган чоралар, қабул килинаётган қонунлар ва қонуности хужжатлари муаммоларни тўлиқ ечимини бермайди, бу борада тадқиқотлар ўтказишни тдавом эттириш ва ва самарали чораларни доимо амалиётга киритиб бориш долзарб вазифа ҳисобланади.

Оиласий (маиший) зўравонлик тушунчаси, статистикаси. Зўравонлик сабаблари ва унга қарши самарали курашиш

Оиласий (маиший) зўравонлик - бу оила ёки уй шароитида содир этиладиган, шунингдек, алоҳида оила аъзолари ёки улар билан бир уйда яшайдиган бошқа шахсларнинг шахсий хуқуқлари ва эркинликларини бузиш билан боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишлардир. Булар жисмоний зўравонлик, психологик зўравонлик, жинсий зўравонлик, иқтисодий зўравонлик, таҳдидлар, қўрқитиши, ҳақорат қилиши, мажбурлаш, тутқунликда саклаш ҳамда инсон ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ва қадр-қимматига таҳдид соладиган бошқа ҳаракатлар бўлиши мумкин.

Масалан, россиялик олим А.С.Пашенко “оиласий зўравонлик” атамасини қўллаганида, уни “оила аъзоларига нисбатан уларни ўзи истамаган ҳаракатларини бажаришга мажбурлаш учун қўрқитиши ёки жазолаш шакли сифатида уларга оғриқ келтириш, хафа қилиш, жисмоний тазиий ўтказиш (чекловлар ўрнатиш) мақсадида жисмоний ёки руҳий кучни қўллаган ҳолда содир этиладиган ноқонуний ҳаракатлар¹” деган муносабатни назарда тутган¹.

Оиласий зўравонниклар статистикаси ва ривожланиш динамикасини таҳлил қилиш бундай қилмишларга қарши курашда бир хил даражада муҳим жиҳатдир. Статистика жабрланувчи ва хуқуқбузарнинг одатий профилини аниқлашга, оиласий жиноятларнинг энг кенг тарқалган турлари ва сабабларини аниқлашга, шунингдек уларнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар самарадорлигини баҳолашга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш керакки, бу турдаги хуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотларни сифатсиз тўплаш, шунингдек, айрим ҳолатларда оиласий зўравонлик ҳақида хуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар қилинмаслиги сабабли ҳақиқий статистик кўрсаткичларни шакллантириш жуда қийин.

Шунга қарамасдан оиласий майший жиноятларнинг амалда мавжуд кўрсаткичлари асосида ривожланиш динамикасини таҳлил қилиш уларнинг

¹ Пашенко А.С. Понятие домашнего насилия // Теория и практика общественного развития. 2005. №1. -С. 46-48.

пайдо бўлиши ва ривожланиш тенденцияларини тахминий аниқлашга имкон беради. Масалан, оилавий жиноятлар сонининг кўпайишининг асосий сабабларини аниқлаш, хукуқбузар ва жабрланувчининг профилидаги ўзгаришларни аниқлаш, шунингдек, оилавий жиноятларнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигига баҳо бериш мумкин.

ЖССТ нинг 2021 йил 9 мартағи маълумотида, 2000-2018 йилларда 161 та давлатлардан ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра дунёдаги ҳар учинчи аёл умри давомида жисмоний ва жинсий зўравонликка учраши аниқланган.

Аёлларга нисбатан қотиллик жиноятларининг 38 фоизи уларнинг жинсий шериклари томонидан содир этилади.

Шуни ёдда тутиш керакки, оилавий зўравонлик - бу бутун жамият томонидан эътибор ва ечимни талаб қиласидан муаммо. Оилавий майший жиноятларнинг олдини олиш бўйича ишлар давлат даражасида ҳам, ҳар бир инсон даражасида ҳам амалга оширилиши керак.

Оилавий зўравонликка қарши курашнинг бир усули - бу одамларнинг муаммо, унинг оқибатлари ва мумкин бўлган ечимлари тўғрисида хабардорлиги. Бунинг учун одамлар оилавий зўравонлик билан боғлиқ вазиятларни тўғри баҳолай олишлари ва бундай ҳолатларда қандай ҳаракат қилишни билишлари учун ахборот кампаниялари, тренинглар ва кенг аудиторияга тушунтиришлар ўтказиш керак.

Оилавий зўравонликка қарши курашнинг яна бир муҳим жиҳати - бу ижтимоий хизматлар ва хукуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзаро ҳамкорлиги. Ушбу ташкилотлар оилавий зўравонлик қурбонларига ёрдам бериш ва оила аъзоларига нисбатан зўравонлик ҳаракатларини тўхтатиш учун етарли ресурсларга эга бўлиши керак. Шунингдек, оилавий зўравонлик ҳолатларига тез ва самарали жавоб қайтариш учун ижтимоий хизматлар ва хукуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги ўзаро таъсир механизmlарини такомиллаштириш зарур.

Хулоса

1. Оилавий зўравонлик жиддий муаммо бўлиб, уни синчковлик билан ўрганиш ва уни ҳал қилишга ҳар томонлама ёндашишни талаб қиласи.

2. Оилавий (майший) зўравонликка қарши кураш учун маълум кўнишка ва билимларга эга бўлиш, шу жумладан зўравонликнинг келиб чиқиш механизmlарини, далилларни тўплаш усулларини ва интервью усулларини мукаммал билиш керак.

3. Ҳуқук-тартибот идоралари ходимлари ва аҳоли билан ишлайдиган мутахассислар оиласидаги зўравонлик жабрланувчилари билан ишлашга тайёр бўлишлари ва уларга самарали ёрдам кўрсатишлари керак.

4. Оилавий (майший) зўравонликка қарши курашнинг муҳим таркибий қисми аҳоли билан ахборот ва профилактик ишларидир.